



САХОВАТНИНГ САВОБИ

Агар эътибор килинса,
бу мунаввар ойда одамларда меҳр-
мухаббат, ўзаро ҳурмат, саховатга
шошилиш, ибодатга рағбат каби
яхши фазилатлар янада ортади.

**БОЛА КИТОБ
ОРҚАЛИ ЎЗ
МУАММОСИНИ
АНГЛАЙДИ...**



ЖАММИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 5 (975)
2026 йил
19 март,
Пайшанба

Табиатнинг «ҚОН» ТОМИРИ

Қашқадарё, Қумдарё, Китоб,
Дехқонобод, Қамаш, Яккабоғ
ва Шаҳрисабз давлат ўрмон
хўжаликларида жами 468 гектарда
“терасса” олиш, 2 минг 500 гектарда
сувни тежаш ва тоғли ўрмонларда
тупроқ эрозиясига қарши курашиш
ҳамда 4 минг 500 гектарда
яйловларни қайта тиклаш мақсадида
сетка тортиш ишлари бажарилган.

Мана, содир этилган
жиноятда менга жазо
беришди, аммо унинг
олдини олишга масъул
бўлгани ҳолда ўз
вазифасига совуққонлик
билан қараган ва
бунга шароит яратиб
бериб, ўз ҳиссасини
қўшганларнинг
бирортаси
жавобгарликка
тортилмади. Эҳ, бугунги
эътибор аввалроқ
бўлганида эди!..”


ПАНЖАРА ОРТИДА

АЙТИЛГАН ҲАҚИҚАТ

Ёхуд жавобгарлар
жавобгарликка тортилмади...

«АЖРАШГАН» дегани тамға...ми?





ТАБИАТНИНГ «ҚОН» ТОМИРИ

Жаҳон банкининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Аббате Асферачею ва “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳаси вакиллари лойиҳа доирасида мамлакатимиз ҳудудларида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.



Хорижлик экспертлар дастлаб Қашқадарё вилоятида бу борада олиб борилаётган ишлар билан танишишди.

Лойиҳа доирасида режага кўра, вилоятдаги Қашқадарё, Кумдарё, Китоб, Деҳқонобод, Қамаш, Яккабоғ ва Шахрисабз давлат ўрмон хўжаликлари ҳудудида жами 9 минг гектар майдонда яйловларни қайта тиклаш, 4 минг 900 гектарда сувни тежаш ва тоғли ўрмонларда тупрок эрозиясига қарши курашиш, 42 минг 860 гектарда ўрмонларнинг табиий тикланишига кўмаклашиш, 3 минг 100 гектарда агроўрмончилик, 950 гектарда саноатбоп ўрмонзорлар ташкил этиш ҳамда 820 гектарда доривор ўсимликлар плантациясини барпо этиш ишлари амалга оширилади.

Бугунги кунда ушбу ўрмон хўжаликларида жами 468 гектарда “терраса” олиш, 2 минг 500 гектарда сувни тежаш ва тоғли ўрмонларда тупрок эрозиясига қарши курашиш ҳамда 4 минг 500 гектарда яйловларни қайта тиклаш мақсадида сетка тортиш ишлари бажарилган.

А.Асферачею мутахассисларга тадбирларни ўз вақтида ташкил этиш, агротехник қоидаларига риоя қилиш, дарахт ва бўта кўчатларини белгиланган меъёрларда парваришлаш каби масалалар бўйича тавсиялар берди.

Шунингдек, Жаҳон банки вакиллари Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳам бўлишиб, лойиҳа доирасида ўрмон хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишишди.



САХОВАТНИНГ САВОБИ

Шукрона



Яратган бандаларига ўта меҳрибон ва раҳмли Зотки, бизни саноксиз неъматлари билан сийлаган. Шулардан бири Рамазон ойи. Давлатимиз раҳбарининг 16 февралда имзоланган “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарорида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон кадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимиз туфайли муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ўзаро аҳиллик, саховат ва шукроналик ғояларини ўзида мужассам этган муборак Рамазон ойи халқимиз қалбига янада яқин ва мўътабар айёмга айланмоқда.

Чиндан ҳам бу муқаддас ойнинг шарафи бекиёс, саховати чексиз, марҳамати ададсиз, савоби ҳисобсиздир. Агар эътибор қилинса, бу мунаввар ойда одамларда меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, саховатга шошилиш, ибодатга рағбат каби яхши фазилатлар янада ортади. Ана шундай тароватли ва шукуҳли кунларнинг бирида ифторлик учун у-бу нарсалар харид қилиб, энди мошинага ўтирувдик ҳамки, икки йигитча келиб икки “баклажка” сув ва икки донадан хурмо узатди. Мен уларга “... ҳай болаларим барака топинглар, Сизларга солиха келинлар ато этсин” дедим. Ёмғир ёғиб, атроф мусаффо, бошқа вақтда топиш қийин бўлган кўнгилларни шод этувчи шундай бир гўзал ва мафтункор муҳит зоҳир эдики, кишининг ичидан бир хўрсиниққа ўхшаш энтиқиш жўш ўриб, дуолар йиғи аралаш қўйилиб келаверади. Йигитчалар сакраб-сакраб, бир-бирларини туртишиб-туртишиб, чопиб кетишди. Уларнинг юзларида шундай гўзал табассум зоҳир эдики, мен шу табассумни энтиқиб, соғиниб-соғиниб эслайман. Улар берган идишларда “Бу йил ўқишга кирмоқчимиз, дуо қилинг!” деган ёзувни кўриб, икбол сўрадик. Бу саховат-пеша, ўзгаарга яхшилик қилишни одат деб билган халқимизнинг, бағрикенг юртдошларимизнинг кундалик ишидан бир мисол, холос.

Гап шундаки, бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида нотинчлик бўлиб турган бир пайтда она Ватанимиздаги тинчлик, фаровон ва осуда ҳаётимизга кўз тегмасин, деймиз. Заррача қилинган яхшилик, тичлигу осойишта ҳаётимизга шукроналик ҳам, таъбир жоиз бўлса, бекиёс улкан неъматдир.

Қаюм СОБИРОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси





ДУНЁНИ ЯШИЛЛИК ҚУТҚАРАДИ



Сўлим баҳор шукухи ўзгача тус, янгича гўзаллик, ажиб бир тароват бахш этаётган шу кунларда кўчалар, боғлар, хиёбонлар тозаланмоқда, ариқлар қазилмоқда, боболаримиз анъанаси бўйича кўчатлар ўтқазилмоқда. Кўча ва хиёбонларнинг гулзорга айлантирилиши, ҳар йили минг-минглаб туб турли дарахт кўчатларининг ўтқазилиши кўплаб қишлоқ, гузар ва шаҳарларимиз чиройини тубдан ўзгартириб юборди. Бундай эзгу ишларни амалга оширишда Самарқанд кўчатчиликка ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги жамоасининг ҳам муносиб хиссаси бор.

Самарқанд вилояти ҳудудида жами 11 та ўрмон хўжаликлари мавжуд бўлиб, шундан еттита ўрмон хўжаликлари, тўртта ихтисослашган ўрмон хўжаликлари фаолият юритади.

Вилоят ўрмон хўжалиги ерлари тоғли, водий, чўл, тўқай ҳудудлардан иборат бўлиб, жами 19977.18 гектарни ташкил этади.

— Ўтган йилда Ўрмонзорлар ва бўтазорлар майдонини кенгайтириш борасида ишлар амалга оширилиб 875,3 гектар майдонда ўрмонлар барпо этилди, — дейди Самарқанд кўчатчиликка ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги директори Илхом Еткиров.

Жорий йил баҳор мавсумида Соғлиқни сақлаш муассасала-

рига 133107 дона, мактабгача ва мактаб таълими муассасаларига 119470 дона ҳар хил турдаги манзарали ва мевали дарахтлар кўчатлари етказиб берилмоқда. Шунингдек, кузги мавсумда ҳам ўрмон хўжаликлари томонидан Соғлиқни сақлаш муассасаларига 46 минг дона ва мактабгача ва мактаб таълими муассасаларига 46 минг дона манзарали ва мевали кўчатлар бегараз етказиб берилди. Бундан ташқари, вилоятининг 100 та маҳалласига жами 98861 дона ҳар хил турдаги манзарали ва мевали дарахтлар кўчатлари билан таъминланди.

Ўрмон фонди ерларида Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликлар етиштириш ва тайёрлаш бўйича Фозилмон ихтисослаш-

ган давлат ўрмон хўжалигида 15 гектар коврак, 30 гектар наъма-так ўсимликлари плантациялари барпо этилди.

Шунингдек, Ургут ва Қўшработ туманларида 56 гектар майдонда терраса ўрмонзорлари барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро тараққиёт уюشمаси иштирокида “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ўрмонзорларнинг табиий тикланишига кўмаклашиш, яйловларни қайта тиклаш, сувни тежаш ва тоғ ўрмонларида тупроқ эрозиясига қарши курашиш, агроўрмончилик тадбирларини амалга ошириш, саноатбоп ўрмонзорлар ташкил этиш, доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш борасида ҳам манзилли ишлар амалга оширилмоқда.

“Менинг боғим” лойиҳаси доирасида ўрмон хўжаликлари томонидан жами 13,12 гектар майдонда “Яшил жамоат парки” ва “яшил боғ”лар барпо этилган бўлиб, жами 15519 дона кўчатлар ва бўталар экилди. Ушбу лойиҳа ташаббуси 2026 йилда ҳам давом эттирилиб, 8,51 гектар майдонда

“Яшил жамоат парки” ва “яшил боғ”лар барпо этиш лойиҳалари тайёрланган ва бугунги кунда ўрмон хўжаликлари томонидан ер майдонларини тайёрлаш, чуқурчалар ковлаш, кўчат экиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва қўриқлаш, ўрмонларни ёнғинлар, зараркунандалар, касалликлар ва бошқа салбий омиллардан сақлаш, ўрмонзор ва бутазорлар майдонларини кенгайтириш, тоғли ҳудудларда эрозияга қарши ҳамда чўл ҳудудларида қум-чанг заррачаларини атмосферага кўтарилишини олдини олиш мақсадида ҳимоя дарахтзорларини барпо этиш, ўрмон фонди ерларидан оқилона фойдаланиш ўрмон жамоаларининг асосий вазифаларига айланган.

— Шундай давлатлар борки, улар дарахтларнинг танасига медал осиб қўйишади. Биласизми, нима учун? - дейди суҳбатдошим. — Чунки дарахтлар инсониятни асрайди, ҳавомизни тозалаб беради, улар ҳаётнинг, тирикликнинг тимсоли. Ана маданият. Ана табиатга нисбатан инсоннинг буюк эҳтироми. Зеро, “дунёни гўзаллик қутқаради”, деган машҳур иборага илова қилиб, бугун дунёни яшиллик қутқаради, дейиш ҳам ўринли.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист



ПАНЖАРА ОРТИДА АЙТИЛГАН ҲАҚИҚАТ

**Ёхуд жавобгарлар
жавобгарликка тортилмади...**

Бир неча йил аввал хизмат тақозоси билан жиноят ишлари бўйича суд мажлисида иштирок этгандим. Айбланувчи – тўққизинчи синф битирувчиси темир панжара ичида ҳовучдеккина бўлиб, тўкилай-тўкилай деб турар, икки кўзи залда ранги докадек оқариб кетган, униққан рўмолининг учини лабига босиб унсиз йиғлаётган онасида эди. Судда воқеа учун жавобгар барча масъуллар – мактаб директори, синф раҳбари, маҳалла раиси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг туман бўлимлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси вакиллари жам эди.

Маълум бўлишича, ўспириннинг отаси ичкиликка муккасидан кетган, эрталаб уйдан чиқиб кетиб, ишлаб топган пулига (пойабзал таъмирлайди) бўккунча ичиб келар ва арокнинг кучини хотинини калтаклашга сарфлар экан. Бу ҳолат мудом такрорлангани боис кун бо-таверса, аёлга қўшилиб бир ўғил ва икки қизи ҳам қалтирашга тушар, рўшнолик нелигини билмаган бе-айб онанинг ота томонидан баттар хўрланишини кўриб, тишини ти-шига босишарди.

Ана шундай кунларнинг бири-да, улар куруқ помидордан иборат кечки овқатни еб ўтиришганида дарвозанинг қаттиқ тарақлашидан сергак тортишади: демак, у яна ичган, ҳозир ҳаммани бўралаб сўкади, “текинхўр”, “текинтомоқ” дейди, сўнг аёлига яқинлашиб, уни масхаралаб жиғига тегади, акс садо қайтмагач: “Ақалли гап қай-таришнIAM билмайсан, борингдан йўғинг яхши”, дея дўппослайди. Бундай пайтда болакайлар онанинг тиззасига ёпишиш ёки атрофини ўраб ҳимоялаш, отага йиғлаб ёлво-ришларидан фойда йўқ, акс ҳол-да, “БолаларингнIAM менга қарши тарбиялаяпсан”, дея ярим тунгача онаизорга кун бермайди. Ана шу-ларни ўйлаб муштдеккина болалар

ичида йиғлашади (овоз чиқариб йиғлашларига ҳам рухсат йўқ!).

Бу галги зарбалар ҳар доимги-дан ошиб тушди, тилсиз ожиза тепкилардан ичини ушлаб типир-чилаб қолди, оғзи-бурни қонга тўлди, шунда ҳам нуридийдалар онани эмас, тескари томондаги уч устунни маҳкам кучоқлаб олишган, нозиккина елкалари тез-тез силки-нард, холос. Ўз ёшига яраша таъ-сирчанлиги, қуюнчаллиги янада ошган тўнғич фарзанд – ўғилнинг сабр косаси тўлди. Тўлдики, энди чидаб туролмади, кучли таъсирда гўр аклида тўсатдан келган фикрни амалга оширгиси, яъни отани сер-гак тортириб қўйгиси келди гўё ва тўғри ошхонага кириб, пичоқ олиб чиқди. Бу вақтда арокхўр уйга ки-риш учун пастқам зиналарнинг ик-китасидан кўтарилган эди. Йигитча ундан битта қуйига тушди-да, со-вуқ қуролни кўрсатиб деди:

– Энди мен катта бўлдим, бун-дай қараб туролмайман. Урсангиз мени уринг, фақат онамга тегманг!

– Ие? – кўзлари ола-кула бўлиб ортига бурилди муштумзўр ва оғзи-дан тупук сачратди. – Сен тирранча ҳали менга ақл ўргатяпсанми?

– Бечора онамнинг айби нима? Айтинг?

– Мана бунингга сен ўргатган-



сан шундай қилишини! — ҳалиям ўзига келолмай питирлаётган аёлига кўрсаткич бармоғини ўқталди у. — Ҳозир кўрсатиб қўяман сенга!

У шундай дея пастга кадам ташлаётиб, ўғлининг ўнг қўлида юқорирокқа кўтарилган тигга рўбарў бўлди... Пичоқ нақ юракка қадалган эди! Тез ёрдам машинаси келгунича, унинг жони узилиб бўлган эди...

Хуллас, эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этилган, таомилга кўра, жиноятчига жазо тайинлаши керак. Шундай ҳам бўлди, ҳукм ўқилди: ўспирин 10 йил муддатга озодликдан мустаҳиқ қилинди! Жазони тегишли колонияларда ўташ белгиланди (бу ҳукмдан онанинг қулоқлари кар бўлиб қолгани аниқ, юрагининг қолганиям узилди).

Суд тартибига биноан айбланувчига сўнгги сўз берилди. Унинг жавобидан нафақат яқинларининг, барча тўпланганнинг юраги пораланди: “Қани эди, бугунгидек ҳамманинг эътибори менда бўлганида эди, менинг сўзларим аввалдан ҳам аҳамиятли бўлганида эди? Қанийди, сенинг дардинг нима, нимани истайсан, деб мендан олдинроқ бирор марта сўрашганида эди — мен бугун бу ерда ўтирмаган, онажоним отам ва мендан айрилмаган бўларди... Мен бугунгидек кунни 15 йилдан бери кутдим!”.

Бутун залга сукунат чўмди, пашша учса эшитиладиган. У эса имкониятни бой бергиси келмагандек, бундай фурсат бошқа келмайдигандек, падарининг руҳидан ва юз берган фожеада ўзини айблаб, шундоғам қовурилиб ётган онасидан кечирим сўрагандек, яна давом этди, давом этганидаям вояга етмаган эмас, нақ мўйсафид бўлиб сўйлади: “Эсимни танибманки, отам ичкиликсиз туrolмайди, шу боис ҳамма оталар ичади деб ўйлаб улғайдим. Отамнинг тиззасида эркаланиб ўтиришники қўйинг, бирга мазза қилиб, жанжалсиз овқатланиш ҳам ёт эди бизга. Аммо мен бу кунимизга биргина отамни айбламайман, у киши маънан носоғлом фикрли бўлсаям атрофимиздагилар соғ эди-ку!”

Мана, икки амаким икки томонимизда яшайди, ўзига тўқ, болалари киймай ташлаб юборадиган кийимларига биз зормиз, янги кийим-кечак билан сийлаш тугул, ўша эскиларини ҳам бизга илинишмайди, девордармиён бўлиб биздан тил учида хабар олишга вақтлари ҳам, хоҳишлари ҳам йўқ. Оёқ кийимим, тайинли устбошим йўқлигидан ойлаб мактаб эшигини кўрмасдим, аммо ўқишни жуда истардим, мана бу ҳурматли директоримиз, синф раҳбаримиз (залда ўтирган тегишли одамларга қўли билан ишора қилди) булар уйимиз қаердалигини билишмайди ҳатто, келиб менинг ҳолимдан хабар олишганида эди, мен таълим таъсирида отамни “кўрқитиб” қўйишга журъатим етмасмиди? Қаҳратон совуқдаям ариқ бўйида машина ювиб пул топардим, у ҳам кунлик ейиш-ичишимиздан ортмасди. Маҳалла расини маҳалланинг отаси деймиз, кечаси билан ўйлаб чиқиб, онамга билдирмай бир неча бор у кишига мурожаат қилдим, бизнинг моддий ёрдам олишимизга, отамни тартибга чақиришга ва ичкиликдан даволанишларига кўмаклашинг деб, “Ота-онанг тирик, бири бўлмаганда ёрдам берардик”, деб мени қайтарди, онам эса бунақа нарсаларни сўрашдан ор қилар, кўчага тил ёрмасди. Ёки “участкавой”имиз, мен отамни бошига етган заҳотиёқ етиб келди, аммо унганча бўлган жанжалларнинг бирортасига аралашмаган, “хабарсиз” қолар эди. Ўқиш маҳалида мен — мактаб ўқувчисининг меҳнат қилаётганини улар кўрмаган дейсизми? Кўрган. Бошқа қўни-қўшниларимиз-чи, уларнинг орасида тегишли давлат ташкилотларида ишлайдиган, мурувват ҳақида соатлаб маъруза ўқийдиганлари ҳам бор. Баъзилари ўтказадиган тўйларнинг бир столига кетадиган харажатига бизнинг қозонимиз бир йил қайнайди, аммо қани ундай саховатпешалар? Ана шу мен санаган одамлар бизга ҳам инсон сифатида қараганида, ўз вазифасига совуққон бўлмаганида онажоним фарзандини мана бу қафасда кўрмаган, бир кунда ҳам эридан, ҳам ўғлидан ажралмаган бўларди, мен жазодан эмас, онамнинг аҳволидан, сингилларимнинг келажагидан хавотирдаман? Мана, содир этилган жиноятда менга жазо беришди, аммо унинг олдини олишга масъул бўлгани ҳолда ўз вазифасига совуққонлик билан қараган ва бунга шароит яратиб бериб, ўз ҳиссасини қўшганларнинг бирортаси жавобгарликка тортилмади. Эҳ, бугунги эътибор аввалроқ бўлганида эди!..”

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист

Ҳайрат



БОЛА

КИТОБ ОРҚАЛИ ЎЗ МУАММОСИНИ АНГЛАЙДИ...

**Болангиз қалбидаги муаммони биласизми?
Яқинда болалар билан мутолаа учрашувида
қизик бир ҳолатга дуч келдим.**

Мен болаларга “Қувонч” китобимни ўқиб бераётган эдим. Китоб якунида болалар бирин-кетин сюжет ҳақида айтиб, “бу тушида бўлган экан”, “бола ухлаётган экан”, деб ўз фикрларини айтишни бошлади. Шунда бир қизалоқ менга қараб, “бу уйқусизлик”, деди. Ундан бу гапни эшитдим-у, тушни адашиб уйқусизлик деб юборгандир, деб ўйладим. Лекин у қиз кўзимга тик қараб, яна икки марта баланд овозда “бу уйқусизлик” деди.

Ёнига бориб: — Шундай деб ўйлаяпсанми, — деб сўрадим.

— Ҳа, мен кўпинча кечаси ухлолмайман, кеча ҳам соат тўртгача ухлолмай ётдим. Бу болада ҳам шундай. У ухлолмай қийналган, — деди.

Қизалоқдан бундай гапни эшитиб ғалати бўлдим, аммо ҳаммани четга суриб бу қиз билан алоҳида гаплашишга имконим йўқ эди, шундай бўлса-да:

— Қийналибсан-да анча? Кўркмадингми, — деб сўрадим.

— Йўқ, ўрганиб қолганман, — деди у.

— Уйқусизлик менда ҳам бўлади. Фақат мен қийналаман, сен эса кучли экансан, деб қулиб қўйдим.

Кейин сурагга тушаётганимизда у чопиб келиб, ёнимда туриш учун мени маҳкам қучоқлаб олди...

Китоб шундай кучга эга, у баъзида боланинг ичидаги кўркувларни, тушунмаётган ҳолатларини ҳам очиб беради.

“Қувонч” китоби уйқусизлик ҳақида бўлмаса-да боланинг қалбидаги кечинмаларини очишга ундай олди. Бола уйқусизлик каби тушунарсиз ҳолати ҳақида суҳбатлашишни истади, айтиб беришни истади.

Болалар ўзидан ўзи мен уйқусизлик туфайли қийналаман ёки кўркман, дейиши осон эмас. Бундай англашлар катта бўлганида намоён бўлишни бошлайди, шунда ҳам ҳаммада эмас. Лекин китоб қаҳрамонини кўриш орқали ўзини англаши, ҳиссиётлари ҳақида гапиришни исташи, ўзининг ҳолатини тушуниши мумкин.

Болалар билан биргаликда турли мавзуларда китоб ўқишга ҳаракат қилинг. Унинг сирли қалб кечинмаларини билиб оласиз ва вақтида кўмак бера оласиз.

Болалар китоби — болалар билан мазмунли суҳбат қуриш учун зўр имконият бўла олиши керак, деб кўп айтганман. Шу ерда энг муҳими, суҳбат муаллифни эмас, болани қизиқтирадиган мавзуда бўлиши керак! Яхшилик ва ҳалоллик ҳақида гаплашиш яхши, лекин бола қоронғида ухлолмай қийналган бўлса, унга яхшиликдан кўра уйқусизлик ҳақида гаплашиш ҳам руҳиятига, ҳам ақлига, ҳам маънавиятига фойдалироқдир.

Динара Мўминова,
болалар ёзувчиси



«АЖРАШИГАН» ДЕГАНИ ТАМҒА...МИ?

Мутахассислар таъкидлашича, ажримлар сабабини бир омил билан изоҳлаб бўлмайди. Иқтисодий қийинчиликлар, ишсизлик, уй-жой масаласи, ёшларнинг оилага маънан тайёр эмаслиги, эр-хотин ўртасида мулоқот маданиятининг заифлиги - буларнинг барчаси муаммони чуқурлаштиради. Айрим ҳолларда эса оила қуриш масъулиятига юзаки қараш, сабр ва муаммони ҳал қилиш кўникмаларининг йўқлиги муносабатларнинг узилишига олиб келади.

Эътиборли жиҳати шундаки, кўплаб оилаларда муаммо ажрим даражасига етгунча, ҳеч қандай мутахассис ёрдамига мурожаат қилинмайди. Оқибатда кичик келишмовчиликлар катта фожиага айланади.

— Бу ерга келаман, деб ҳеч қачон ўйламаган эдим. Оилам, фарзандларим, уйим, ишим бор эди. Турмуш ўртоғимга ишонардим, сабр қилдим ва яна узоқ вақт. Лекин барибир бўлмади... Ўзимни йўқотиб қўйдим, оғриқлар, азоблар, тухмат, ҳақорат ва камситишлар ҳар қандай одамни ақлдан оздирар экан... — дейди

навбахорлик 37 ёшли Л (исмлар ўзгартирилган) — ҳозирда аёллар учун мўлжалланган вилоят реабилитация марказида руҳий тикланиш жараёнидан ўтаётган аёл. У олий маълумотли ўқитувчи, мактабда ишлайди. Ўқимишли. Пазандалик курсларида ўқиган, яна тикувчиликка ҳам қўли келишаркан. Буларни таъкидлаб айтишдан мақсад — бир оилани гуллаб-яш-

натиши мумкин бўлган оила бекаси.

У нега реабилитация марказида? Эр-хотин муносабатларида жисмоний зўравонлик кузатилган (эридан мунтазам калтак еган!), оғир, енгил тан жароҳатлари олган. Эрнинг зўравонлиги ва доимий жанжаллар натижасида аёлда тушкунлик, асабийлашиш, бош оғриқлари ва руҳий бекарорлик ҳолатлари кузатилган, руҳияти издан чиққан. Ҳолатини барқарорлаштириш, зўравонликдан химоя қилиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш зарурати сабабидан, у ҳозирги кунда руҳий, тиббий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ёрдам олмоқда.

2025 йилнинг 9 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Навбахор туман судининг очик суд мажлисида Л.нинг турмуш ўртоғига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 592-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этилган деб топилиб, унга ушбу модда билан 15 (ўн беш) сутка маъмурий қамок жазоси тайинланган. Ҳалқ тилида бу “хотини эрини қаматворган” деб айтилади ва одатда бундай вазиятларда оилани қайта тиклаш имконсиздек. Ростдан ҳам шундай. Мазкур оила ажрим ёқасида ва катта эҳтимол билан улар ажрашишади. Айни кунларда эр ва хотин алоҳида яшашмоқда.

Ёш эр-хотин. Турмуш қуришганига бор-йўғи 2 йил бўлган, битта фарзанди бор. Келин шаҳардан қишлоққа келин бўлиб тушган.

Табииyki, қишлоқда шаҳардагидек шароит қилиш қийин, агар молияий етишмовчилик бўлса. Ажримни сабаби шу. Ҳиёнат йўқ, зўравонлик йўқ ва бошқа сабаблар ҳам мавжуд эмас. Куёв ёлғиз ўғил, ота-онани ташлаб шаҳарга кетмайди, келин қишлоқда яшашни истамайди. Шугина...


Мақолада тақдири муҳокама этилган аёллар учун ажрашиш нафақат оиладан айрилиш, балки жамият билан юзма-юз қолиш ҳам бўлган. Уларнинг айтишича, энг оғири молиявий қийинчиликдан ҳам кўра, атрофдагиларнинг муносабати. Нима ҳам дердик, бу “менталитет”. Тан олиш керак, жамиятимизда ажрашган аёлларга ҳар доим паст назар билан қаралган, камситилган. Психологларнинг таъкидлашича, «ажрашган» деган тамға инсоннинг ўз-ўзига бўлган ишончини ҳам синдиради. Аммо касб ўрганиш, иш бошлаш ва қўллаб-қувватловчи муҳит уни ҳаётга қайта олиб киради, жонлантиради.

Бу таҳлиллар нимани англатади - мутасадди ташкилотлар томонидан тўғри ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилса, ажрим аёлни синдирмайди, аксинча, уни янада кучли қилиши ҳам мумкин!

Демак, муаммони ҳал этиш фақат Оила ва хотин - қизлар бошқармалари, суд ёки турли расмий идоралар зиммасига юкланмаслиги керак. Оилавий тарбия, психологик маданият ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими мунтазам кучайтирилиб борилавермаса, рақамлар ҳам ортишда давом этаверади.

Зеро, бир оила бузилса, бутун коинот ларзага келади...

Гулчехра БЕРДИЁРОВА





Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-310
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



БЕРУНИЙНИНГ ГЛОБУСИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Берунийнинг мўлжалланган глобуси Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида қайта тикланди. Бу иш — 995 йилдаги Берунийнинг математик география асосида яратган ноёб илмий асбобининг умумияти. Профессор Баҳром Абдуҳалимовнинг таъкидига кўра, глобусда 150 та шаҳарнинг координаталари жойлаштирилган. Беруний асарларидаги 600 га яқин шаҳар маълумотлари асосида шу иш амалга оширилди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг энг асосий миссияларидан бири бу йўқолган меросни қайтаришдир. Бизгача етиб келмаган Беруний глобусини қайта тиклаш ана шу вазифанинг амалий ифодаси бўлди. Бугун Берунийнинг йўқолган мероси Ислом цивилизацияси марказида илмий асосда қайта тикланди.

Инсон тафаккури тараққиётида Ер шаклини англаш ва уни илмий асосда тасвирлаш цивилизация тарихида муҳим бурилиш нуқтаси ҳисобланади. Бу йўналишда жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирлардан бири — Абу Райҳон Берунийдир. Унинг география, астрономия ва математика соҳаларидаги илмий мероси бугунги кунда ҳам инсоният учун қимматли илмий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, Беруний 995 йилда Хоразмнинг йирик илмий-маърифий марказларидан бири бўлган Кат шаҳрида яшаган даврида глобус яратган. Бу иш нафақат Шарқ, балки бутун жаҳон картографияси тарихида улкан илмий ютуқ сифатида баҳоланади. Чунки Беруний ясаган глобус назарий тасаввур эмас, балки аниқ ҳисоб-китоблар, геодезия ва астрономияга оид маълумотлар асосида ишлаб чиқилган амалий илмий асбоб эди.

Қадимги дунёда Ернинг шарсимонлиги ҳақидаги илк илмий тасаввурлар юнон олими Клавдий Птолемей асарларида учрайди. Кейинчалик XV

асрда Мартин Беҳайм томонидан Европада глобус яратилган. Бироқ Берунийнинг устун жиҳати шундаки, у бу илмий анъаналарни чуқур таҳлил қилиб, ўз даври учун мутлақо янги — математик география тамойиллари асосида диаметри тахминан 5 метрга яқин бўлган глобус яратишга муваффақ бўлган. Афсуски, бу ноёб илмий асбоб бизгача етиб келмаган.

Абу Райҳон Беруний Ернинг шарсимон эканини ўз асарларида бир неча бор очик ва равшан баён қилади ҳамда буни илмий далиллар билан исботлайди. Хусусан, у “Ҳиндистон” асарида шундай ёзади:

“Кечаси куёш кўринмай қолишининг сабаби унинг Ердан узоклашиб кетишидан эмас. У Ернинг думалоқлиги туфайли бизга кўринмай қолади... Бунинг сабаби Ернинг юмалоқ бўлганидандир”.

Олим “Қонуни Масъудий” асарида эса Ернинг умумий шакли шарга ўхшаш эканини, тоғлар ва ботиқлар эса бутун Ерга нисбатан жуда кичик эканини қиёсий мисоллар орқали тушунтиради. Унинг таъкидлашича, агар Ер мутлақо текис бўлганида, табиий мувозанат бузилиб, бутун қуруқликни сув босган бўлар эди.

Беруний глобус ясашдан аниқ илмий мақсад кўзлаган. У глобусга географик объектларни жойлаштириб, аҳоли масканлари орасидаги масофалар асосида географик узунлик ва кенгликларни ҳисоблашни режалаштир-

ган. Бу ҳақда у “Геодезия” асарида шундай ёзади:

“Мен Птолемейнинг «География» асарини ва Шарқ олимларининг ишларини қиёслаб ўргандим... Масофаларни саёҳатчиларнинг маълумотлари асосида аниқладим, маълумотларни қиёслаб текширдим. Бу мақсад учун кучни ҳам, пулни ҳам аямадим”.

Ана шу тарихий мерос бугунги кунда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида амалий мазмун касб этмоқда. Марказда Беруний илмий меросига асосланган ҳолда унинг глобуси қайта тикланди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, профессор Баҳром Абдуҳалимов шундай дейди:


“Ислом цивилизацияси маркази Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик бой тарихини ягона концепция асосида намоён этаётган ноёб мажмуа ҳисобланади. Беруний асарларида ўз даврида мавжуд бўлган 600 га яқин шаҳарнинг координаталари келтирилган. Бугун хорижий ҳамкорлар билан биргаликда шу маълумотлар асосида Беруний глобуси қайта тикланиб, унга 150 та шаҳар жойлаштирилди. Бу — бизгача етиб келмаган буюк илмий меросни қайта ҳаётга қайтаришдир”.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ўз моҳиятига кўра дунёда аналогич йўқ илмий-маърифий макон сифатида шаклланимоқда. Марказда намоёниш этилаётган Беруний глобуси нафақат буюк алломанинг илмий меросини, балки ўзбек заминидан етишиб чиққан мутафаккирларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрнини яққол намоён этади. Бу эса, айниқса, ёш авлодни ўз халқининг буюк тарихи билан фахрланишга ва улуғ илмий анъаналарга муносиб бўлиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Дурдона РАСУЛОВА



ЎЗБЕКИСТОНЛИК

ТАДҚИҚОТЧИ СИ ЁРДАМИДА
ҚАНДАЙ ҚИЛИБ «АҚЛЛИ
БОҒДОРЧИЛИК»НИ ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚЧИ?

бий усуллар билан ҳосилни асраш мумкин — барчасини тушунтириб беради.

Яна бир муҳим жиҳати — бу тизим экологик ёндашувни ҳам қўллаб-қувватлайди. Масалан, сувни тежаш, табиий ўғитлардан фойдаланиш, мавсумий маҳсулотлар етиштириш каби масалаларда ҳам тавсиялар бериши мумкин.

Мақсадим шунчаки технология яратиш эмас, истардимки, инсонлар табиатга янада яқинлашсин, ўз боғида етиштирган маҳсулотдан фойдаланиб, оиласи билан бир дастурхон атрофида жам бўлсин. Агар технология шу жараёни бироз бўлса ҳам осонлаштира — демак, у ҳақиқатан фойдали бўлади.

— Сиз ўз олдингизга анъанавий боғдорчиликни замонавий ечимлар билан бирлаштиришни мақсад қилиб қўйгансиз. Бизнинг миллий деҳқончилик маданиятимизда қайси жиҳатларни рақамлаштириш энг қийин ва энг муҳим деб ҳисоблайсиз?

— Менимча, миллий деҳқончилик маданиятимиз сўнгги йилларда анча ривожланмокда. Бироқ келажакда уни янада мустаҳкамлаш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш муҳим.

Бизнинг юртимиз жуда ҳосилдор ва баракали ерларга эга. Агар AI технологияларидан тўғри фойдалансак, органик ҳосил етиштиришни янада самарали қила оламиз. Бу нафақат ҳосилдорликни оширади, балки углерод чиқиндиларини камайтириш орқали экологик барқарорликни сақлашга ва сайёрамизни асрашга ҳам ёрдам беради.

— «Technovation Challenge» дастуридаги иштирокингиз ва Кремний водийси даражасидаги лойиҳалар устида ишлаш қандай стратегик кўникмаларни берди? У ердаги стартап муҳитидан Ўзбекистон шароитига нималарни олиб кириш мумкин?

— «Technovation Challenge» дастурида иштирок этиш менга бир вақтнинг ўзида бир нечта омилларни ҳисобга олиш ва ҳар доим катта манзарани — яъни умумий стратегик мақсадни кўра билишни ўргатди. Шу билан бирга, MVP (минимал ишлайдиган маҳсулот) муваффақиятсиз чиққан тақдирда ҳам ишни тўхтатмасдан, лойиҳани ривожлан-

тиришни давом эттириш муҳимлигини тушундим.

Кремний водийси стартап муҳити эса жуда илҳомлантирувчи. У ерда стартаплар доимо ўзгариши, янги йўналишларга бурилиши мумкинлигини кўрасиз. Энг муҳими ўзгаришларни тўғри бошқара олиш ва жамоа билан самарали мулоқот қилишдир.

— Шаҳар шароитида барқарор ўсимлик етиштириш (urban farming) келажакда озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологияга қандай таъсир кўрсатади? Сизнинг лойиҳангиз бу муаммога қандай ечим беради?

— Шаҳар шароитидаги urban farming — шаҳар боғдорчилиги келажакда сайёрамиз барқарорлигига катта ҳисса қўшиши мумкин. Чунки бунда эътибор органик ва барқарор усулларда етиштирилган маҳсулотларга қаратилади.

Лойиҳамнинг асосий мақсади — технологиядан оқилона фойдаланиб, инсон эҳтиёжлари билан бирга, Ер сайёрасининг манфатларини ҳам ҳисобга олишдир. Агар биз чиқиндиларни камайтириб, табиатга эҳтиёткорлик билан ёндашсак, келажак авлодлар учун янада соғлом муҳит яратишимиз мумкин.

— Одатда агрономия ёки сунъий интеллект каби соҳалар эркалар йўналиши сифатида кўрилади. Сизнингча, технология дунёсида аёлларнинг интуитив нигоҳи ва оилавий кадрларга содиқлиги янги инновациялар яратилишида қандай устунлик беради?

— Менимча, агар технология соҳасида гендер жиҳатидан мувозанат бўлса, келажак авлодларга жуда муҳим бир хабарни етказамиз: ҳар бир инсон, жинсидан қатъи назар, исталган соҳада ўз хиссасини қўша олади.

Бу эса янги ғоялар, янги қарашлар ва янада бой инновациялар пайдо бўлишига хизмат қилади.

— Бугунги ўзбек қизи учун муваффақиятли технологик табиркор ва оиланинг таянчи бўлиш ўртасидаги мувозанатни топиш сири нимада? Сиз бу икки масъулиятни қандай бирлаштирасиз?

— Мен учун оила энг катта таянч ва илҳом манбаи. Оила-аъзоларим мени қўллаб-қувватлайди ва ўз салоҳиятимни рўёбга чиқаришимга ишонч бағишлайди.

Балки мен бутун дунёни ўзгартира олмасман, лекин айрим инсонлар ҳаётини энгилроқ ва мазмунлироқ қилишим мумкин. Шу билан бирга, сайёрамизга ғамхўрлик қилиш ҳам мен учун муҳим қадрият. Севган ишим билан шуғулланар эканман, оилам ҳам доимо ёнимда ва ана шу ҳолат — ҳақиқий мувозанатдир.

Барно СУЛТОНОВА
суҳбатлашди.

Бугунги суҳбатдошим Захро Содикова Бухорода туғилган, Тошкент шаҳридаги ИНХА ва АҚШнинг Окленд шаҳридаги Линкольн университетларида таҳсил олган, Technovation Challenge каби нуфузли дастурларда иштирок этган ёш тадқиқотчи. Унинг бугунги фаолияти диққат марказида сунъий интеллект ёрдамида «ақлли боғдорчилик» тизимини яратиш ва экологик барқарорликка эришиш турибди. Глобал миқёсдаги технологик лойиҳаларга миллий қадриятларни олиб киришни мақсад қилган қаҳрамонимиз Кремний водийси тажрибасидан тортиб, шаҳар шароитида барқарор ўсимлик етиштиришга бўлган қизиқарли режалари билан ўртоқлашди.

— Сиз мактаб давридаёқ математика ва инглиз тили фанларига алоҳида ёндашгансиз. Кейинчалик Ўзбекистондаги ИНХА университети ва АҚШдаги МВА таълими сизнинг билимларингизни янада мустаҳкамлади, шундай эмасми?

— Ҳа, мактаб давримданок математикага алоҳида қизиқишим бор эди. Айниқса, ИНХА университетида ўқиган пайтимда бизнес математикаси билан чуқур шуғулландим. Бу менга стратегик фикрлашни ривожлантиришга ва ҳар қандай бизнеснинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлган молия соҳасини чуқурроқ тушунишга ёрдам берди.

Инглиз тили эса дунёқарашимни кенгайтиришга хизмат қилди. Мен Фарҳод Қодиров раҳбарлигидаги Genius English Courses марказидан жуда миннатдорман. У ерда мен тилни энг табиий усулда ўрганиш имкониятига эга бўлдим. Шунинг учун ҳам МВА дастурида таҳсил олиш мен учун анча энгил кечди — чунки мен Бухородаёқ амалда қўлланадиган инглиз тилини ўрганган эдим.

— «Ақлли боғдорчилик» (Smart gardening) ва сунъий интеллектни уйғунлаштириш ғояси қандай пайдо бўлди? Бу тизим оддий боғбон ёки уй бекасининг ҳаётини қандай энгиллаштиради?

— Сунъий интеллект бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормокда. Шунинг учун уни инсонлар ҳаётига ҳақиқатан ҳам янги имкониятлар олиб кирадиган йўналишларда қўллаш жуда муҳим.

Сунъий интеллектни smart gardening — ақлли боғдорчилик билан бирлаштириш ғоясини ўйлаб топганимда, ҳар бир оилада тез-тез бериладиган бир саволдан илҳом



олдим: «Бугун нима пиширсам экан?».

Тасаввур қилинг, сизнинг боғингизда етиштирилаётган органик ўсимликлар ва кўкатлар нафақат дастурхонингизга соғлом маҳсулотлар олиб келади, балки сунъий интеллект орқали улардан қандай таомлар тайёрлаш мумкинлигини ҳам тавсия қилади. Қайси мамлакат ёки шаҳарда яшашингиздан қатъи назар, бу тизим сизга ёрдам беради.

Энг муҳими, СИ оилангиз учун қадри бўлган рецептларни ўрганиб боради, уларни мослаштиради ва шу тариқа авлоддан-авлодга ўтадиган таомлар ҳеч қачон йўқолиб кетмайди. Бундан ташқари, ақлли боғдорчилик тизими нафақат таом тайёрлашга ёрдам беради, балки боғ парваришини ҳам анча энгиллаштиради. Масалан, сунъий интеллект ўсимликларнинг ҳолатини кузатиб, қачон суғориш, қачон ўғит бериш ёки қайси ўсимликка кўпроқ қуёш нури кераклигини тавсия қилиши мумкин.

Бугун кўпгина уй бекаси ёки оддий боғбонларда вақт кам. Айримлар боғ қилишни хоҳлайди, аммо ўсимликни нотўғри парвариш қилиб қўйишдан кўрқади. Ақлли тизим эса худди маслаҳатчи каби йўл-йўриқ кўрсатади: қайси фаслда нима экиш керак, қандай қилиб та-